


Ўқув web-контентларини яратишнинг дастурий воситалари

Web 1.0, Web 2.0, Web 3.0, Web 4.0 тўғрисида тушунча

Тренер: Аюпов Равшан Хамдамович

Web 1,0, 2,0, 3,0 - Бутун дунё тўри (Интернет)нинг ривожланишидаги ажратиладиган шартли тарихий босқичлар деб ҳисоблаш мумкин. Улар орасидаги ўтиш вақтларини бирор санага, ҳаттоки йилга боғлаш имкони йўқ, чунки улар секин ўтади ва илгариги босқичлардан кўп нарсани қолдиради. Бу



босқичларни ажратиш бир мунча шартли бўлиши мумкин.

90- ва 2000 йиллар бошланишига хос сайтларни яратиш технологиялари ва хусусиятлари ҳамда Бутун дунё тўри (WWW) фойдаланувчиларининг ҳатти-ҳаракатларини Веб 1,0 (Web 1,0) деб аташ қабул қилинган. Бу даврда WWW да статик сайтлар кўп эди. Бундай сайтлар асосан ўқиш, ахборот олиш учун мўлжалланган эди; уларда гиперссилкаларни ҳисобга олмаганда, интерфаол элементлар, мультимедиа деярлик йўқ эди, фойдаланувчиларга диалог олиб бориш, файллар алмашиш ва ш. к. имкониятлар берилмаган эди. Сайтларни яратиш учун режа-ишоралар қўйиш тили – HTML нинг бир қатор тегларидан фойдаланилар эди, улар талабларга жавоб бермас, безатиш функцияларини бажарар эди. Кўпинча сайтнинг режа-ишораларини қўйиш HTML тилида жадваллар яратиш ҳисобига бажарилар эди. Бунинг ҳаммаси саҳифанинг кодини “нотоза” ва катта, изловчи роботлар билан ўқиш учун қийин қилар эди. Web 1,0 даврларида Интернет тармоғига уланишнинг секин турлари кўп эди, шунинг учун бу фактдан кўплаб чекловлар келиб чиқар эди.

Масалан, Бутун дунё тўрида видео бўлиши камёб ҳодиса эди. Фойдаланувчиларнинг мулоқот қилишлари учун форумлар ва чатлар ташкил

килинар эди. Тахминан 2000-йилнинг ўрталарида сайтларни яратиш методлари ва мақсадлари ўзгара бошлади. Мазмунни динамик ифодалашга йўналганлик пайдо бўлди, бунда ресурсни фойдаланувчиларнинг ўзи тўлдирадиган, ўзаро мулоқот қиладиган ва сайтнинг ўзида фикр алмашадиган бўлди. Блоглар, ижтимоий тармоқлар, wiki-лойиҳалар пайдо бўлди. Ҳозирги кунда контентни ташкил қилиш ва яратишнинг бундай шакли WWW нинг кўп қисмини эгаллайди, бундай сайтлардан эса, Интернет фойдаланувчиларининг кўпчилиги фойдаланади.

Интернет тармоғига киришнинг катта тезлиги пайдо бўлиши билан Бутун дунё тўрида мультимедиа ахбороти (видео, мусиқа, графика) оммалашди.

Веб 2,0 янги веб-хизматлар пайдо бўлиши, web-дастурлаштиришнинг ривожланиши, сайтларнинг дизайн ва қулайлиги яхшиланиши, фойдаланувчининг аноним бўлиб қолиши имконияти камайиши билан белгиланади. Web 2,0 атамаси фойдаланувчиларнинг ижодий имкониятларини кенгайтиришга, улар орасида ахборот алмашиш ва ўзаро муносабатлар хавфсизроқ бўлишига йўналтирилган WWW технологияларидан фойдаланишдаги янги тенденцияларни белгилаш учун қўлланилади. Бунда кўпроқ веб-уюшмалар ва ижтимоий-йўналтирилган сайтлар, масалан, блоглар ва видеоблоглар, фолксномиялар, википедиялар ва бошқаларга кўпроқ урғу берилади. Бу атама уни 2004 йилда Web 2,0 Медиа бўйича конференциядан кейин Тим О'Рейлининг дастурий таъминотларни ишлаб чиқувчилар билан якуний фойдаланувчиларнинг Веб орқали ўзаро муносабатларининг янги усулини ифодалаш учун қўллаганидан бошлаб тарқалди. Web 2,0 ғоясининг асосий тамойили “Интернет – платформа сифатида”, деб ифодаланган эди. Web 2,0 ни тармоқдаги ўзаро муносабатлар жараёнида қанчалик кўп одамлар фойдаланса, шунчалик яхшиланиб борадиган тизимларни яратишга ёндашув сифатида ҳам қараш мумкин. Ҳақиқатда Web 2,0 фойдаланувчилар томонидан уларнинг компютерида локал бажарилаяпти деб ҳамда бошқалардан ажралган ҳолдаги ахборот тўплагичлар сифатида идрок қилинадиган веб-сайтлардан ўзаро боғланган дастурий платформаларга ўтишни билдиради.

Web 2,0 сайтлари фойдаланувчилар учун қуйидаги имкониятларни беради:

-фақат ахборот олиш эмас, дастурларни асосан браузер ёрдамида бажариш;

-ўз маълумотларини жойлаштириш ва уларни бошқариш.

Web 2,0 нинг яна бир жиддий концепцияси – “Тегишли жой архитектураси” бўлиб, фойдаланувчиларни дастурий таъминотдан фойдаланиш орқали унинг қимматни оширишга рағбатлантиради.

Web 2,0 нинг камчиликларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-уланишнинг доимийлигига боғлиқлик;

-сайтларнинг ишга кодирлиги бошқа компанияларнинг қарорларига боғлиқлиги;

-хизмат кўрсатиш ишининг сифати бошқа кўплаб компаниялар ишининг сифатига боғлиқлиги;

-мавжуд веб-инфраструктуранинг браузерда мураккаб ҳисоблаш вазифаларини бажариш учун имкониятлари етарли эмаслиги;

-бошқа серверларда сақланаётган маълумотларга рухсатсиз кирилганда махфийликни ҳимоялашнинг бўшлиги.

Веб 2,0 нинг яққол афзаликларига қарамай, Бутун дунё тўрида катта миқдордаги сифатсиз ахборотнинг, шу жумладан, ёлгон ахборотнинг пайдо бўлганлигини таъкидлаш лозим. Шунинг учун, сайтни яратишга асос бўлган технологияларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, биринчи навбатда унинг ахборот билан тўлдирилиши қадрланади. Ҳозирда тармоқда унинг ичидаги катта миқдордаги ахборот орасидан сифатлисини топиш унчалик осон эмас.

Веб 3,0 ғоясини Веб 2,0 нинг камчиликларидан халос бўлиш сифатида ифодалаш мумкин. Унда хизматлар ва контентлар сифатига алоҳида эътибор қаратилади, бошқариш ва ахборот билан тўлдириш профессионаллар қўлига берилади. Аммо бу концепциянинг энди бошқа камчиликлари бор бўлиб, улар фойдаланувчининг аноним бўлиб қолиши имконияти борган сари камайиб бораётгани, у веб-хизматнинг муайян қоидаларига бўйсунуши ва бошқалар билан боғлиқ. Web 3,0 га ғоявий жиҳатдан яқин сайтни ташкилот томонидан тақдим қилинадиган интернет-хизмат сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бундай хизматларга булутлар технологиялари, жойнинг харитаси бўйлаб навигация мисол бўлиши мумкин.

Web нинг калит технологиялари:

Web учун калит технологиялар қуйидагилар ҳисобланади:

Веб-хизматлар – бу кириш НТТП протоколи орқали, маълумотлар алмашиш эса, XML форматида (ёки ундан ҳосил бўлган форматда) амалга ошириладиган дастурлардир. Веб-хизмат уни яратган компания серверларида амалга оширилади. Фойдаланувчи исталган вақтда энг янги маълумотлар билан танишиши мумкин. Веб-хизматлар платформадан мустақил ҳисобланадилар, чунки НТТП ва XML билан ишлаш учун инструментлар исталган замонавий дастурлаш тилида мавжуд.

AJAX. Google ўзининг Gmail ва Google Maps каби сайтларини яратишда Ajax дан фаол фойдаланишни бошлаганидан кейин Ajax дан фойдаланиш энг кўп оммалашди.

Веб-синдикация (RSS ёки Atom технологиялари асосида) – ахборотни, шу жумладан, аудио ва видео ахборотни турли саҳифалар ёки веб-сайтларга бир вақтда тарқатишдан иборат.

Веб mash-ар – бошқа хизматлар фойдаланувчига иш учун янги функцияларни тақдим қилган ҳолда ахборот манбаи сифатида тўлиқ ёки қисман фойдаланадиган хизмат. Веб mash-ар хизмати бошқа веб mash-ар хизматлар учун янги ахборот манбаи бўлиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, бир-бирига боғлиқ бўлган ва бир-бирига интеграциялаштирилган хизматлар тармоғи ҳосил бўлади.

Теглар – кўриб чиқилаётган объектни тавсифловчи ёки уни бирор тоифага киритувчи калит сўзлар. Тегларни объектнинг бошқа объектлар орасидаги ўрнини белгилаш учун унга бериладиган белги деб ҳисоблаш мумкин.

Фолксономия – оммавий классификация, ахборотни (ҳаволаларни, фото, видео клиплар ва бошқаларни) ихтиёрий равишда танланадиган белгилар (тегллар) билан биргаликда тоифалаштириш амалиёти. Фолксономиядан фойдаланишга мисоллар: Flickr, del, icio, us.

Ижтимоий дастурий таъминот – Веб тармоғи фойдаланувчиларининг ахборотни алмашиш ва унга биргаликда киришлари учун мўлжалланган дастурий таъминот турларининг кенг кўлами.

Мэшап (Mashup) – бир нечта манбалардан маълумотларни ягона интеграциялаштирилган инструмент доирасида бирлаштирадиган гибрид

веб-илова. Мэшап контентни, одатда, очик интерфейслар, веб-хизматлар, веб-манбалар (масалан, RSS ёки Atom) ёки бошқа дастурлар томонидан генерацияланадиган хужжатларнинг таҳлили ёрдамида ташқаридан олади.

Мэшаплар энг кўп Amazon, eBay, Flickr, Google, Microsoft, Yahoo ва You Tube томонларидан тақдим қилинадиган дастурий интерфейслардан фойдаланади.

Мэшап архитектураси қуйидаги 3 та қисмни ўз ичига олади:

-контент провайдери – маълумотлар манбаи;

-мэшапнинг ўзи – ўзига тегишли бўлмаган турли манбалардан фойдаланган ҳолда янги функцияларни тақлиф қилувчи веб-илова;

-мижоз – одатда, мэшапнинг веб-саҳифасини акс эттирувчи веб-браузер.

Мэшапларнинг ҳар хил турларини RSS, веб-хизматлар, оний ва почта хабарлари генерация қилиши мумкин.

Мэшапларни бошқа сайтлардан маълумотларни киритиб мураккаб хужжатлар ҳосил қилишдан иборат оддий жараёндан фарқлаш лозим. Мэшап мустақил равишда ташқи маълумотларни дастурий интерфейслар орқали олади ва уларни маълум тарзда ишлаб, уларга қўшимча қиймат беради.

Мисол сифатида Google Maps нинг картографик маълумотларидан уларга Cragislist да қўчмас мулк тўғрисидаги маълумотларни қўшиш учун фойдаланишни келтириш мумкин (бунинг натижасида ҳеч қайси манба томонидан бошланишида тақлиф қилинмаган янги ноёб веб-хизмат яратилади)

Мэшаплар орасида қуйидаги гуруҳларни ажратиш мумкин:

-Истеъмол мэшаплари – бир нечта манбалардан ҳар хил турдаги маълумотларни комбинациялаштириб, уларга ягона график интерфейс орқали киришни тақдим этади. Энг маълум мисол – Google Maps нинг кўп сонли иловалари ҳисобланади.

-Маълумотлар мэшаплари – бир нечта манбалардан бир хил турдаги маълумотларни комбинациялаштириб, уларга ягона график интерфейс орқали киришни тақдим этади. Мисол – Yahoo!Pipes бўлиб, у фойдаланувчиларга турли манбалардан ахборот оқимларини олиш ва

олинган контентни бошқариш бўйича қоидаларни яратиш имконини беради (масалан, филтрлардан фойдаланган ҳолда).

-Бизнес-мэшаплар – маълумотларни агрегирлаш ва тақдим қилишнинг турли усулларига эътибор қилган ҳолда бизнес вакиллари ва дастурларни ишлаб чиқувчиларнинг биргаликда ишлаши учун янги имкониятлар тақдим қилади.

Мэшаплар порталларга ўхшаб контентни агрегирлаш технологияларидан иборат бўлса ҳам, уларнинг орасида принципал фарк бор. Порталлар – анча илгариги технология бўлиб, ўз моҳиятига кўра анъанавий динамик веб-иловаларни кенгайтириш ҳисобланади. Уларда маълумотларни гиперматнли ҳужжатларга қайта ўзгартириш жараёни икки босқичга ажралади: режа белгиларнинг айрим қисмини генерациялаш ва уларни битта саҳифада бирлаштириш. Ҳар бир қисмини генерациялаш учун нормал серверда ёки бошқа серверда бажариладиган тегишли портал иловаларидан фойдаланилади. Портал технологияси маълумотларни фақат тақдим қилинган даражада агрегирлаш учун қўлланиладиган сервер технологияси ҳисобланади.

Microsoft компанияси фойдаланувчиларга махсус сайт Microsoft Popfly ни тақдим қилди. У иловаларни Microsoft Silverlight ни қўллаб ишлаб чиқиш пакети ёрдамида фойдаланувчиларга веб-саҳифалар, дастурий коднинг фрагментлари (такрорий фойдаланиш учун) ва мэшаплар яратиш имкониятини беради.

Бу сайтда Microsoft Silverlight га асосланган қуйидаги тўртта инструментлар мавжуд:

-Ўйинлар ишлаб чиқувчи.

-Мэшаплар ишлаб чиқувчи.

-Веб-саҳифалар ишлаб чиқувчи.

-Popfly Space – фойдаланувчи кириши мумкин бўлган тайёр мэшаплар, веб-саҳифаларни жойлаштириш учун жой.

Ижтимоий тармоқлар учун иловалар

“Ижтимоий Веб” (Social Web) тушунчасидан WWW тармоғи ёрдамида фойдаланувчиларнинг ижтимоийлашуви ва уларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатлари қандай амалга ошишини тавсифлаш учун фойдаланилади. Фойдаланувчиларни бирлаштириш учун асос бўлиб жуда хилма-хил умумий қизиқишлар хизмат қилади.

“Ижтимоий Веб” атамаси қуйидаги иккита тушунчани ифодалаш учун қўлланиши мумкин:

-Биринчи тушунча Web технологияларини тавсифлаш билан боғлиқ бўлиб, биринчи навбатда ижтимоий муносабатлар ва гуруҳларга қаратилади.

-Иккинчи тушунча WWW га ўхшаган келгуси тармоқни тавсифлаш учун қўлланилади.

“Ижтимоий Веб”ни Интернет орқали контент воситасида диалог ва биргаликдаги фаолият режимида ўзаро боғлиқ ва ўзаро муносабатдаги кўп кишилар гуруҳи сифатида қараш мумкин.

Одамлар орасидаги ўзаро муносабатларни рағбатлантиришга қаратилган Веб учун ижтимоий дастурий таъминот қуйидаги ижтимоий атрибутлар билан иш кўради:

- айнан ўхшашлик,
- обрў-эътиборга эгалик,
- иштирок қилиш,
- алоқалар,
- гуруҳли мансублик,
- мулоқот,
- ажратиладиган контент.

Ижтимоий дастурий таъминот – бу фойдаланувчиларга ўзаро муносабатда бўлиш ва маълумотлар алмашиш имконини берадиган дастурий тизимларнинг кенг доираси ҳисобланади. Бу компьютер воситасидаги муносабатлар усули MySpace, Facebook, Одноклассники, ВКонтакте.ru, ижтимоий сайтлари, Flickr, You Tube медиа сайтлари, eBay тижорат сайтлари пайдо бўлиши билан оммалашди.

Бу иловаларнинг кўпи очик API лар, сервисга йўналтирилган дизайн, маълумотлар ва медиа файлларни узоқдан жойлаштириш имконияти каби умумий характеристикаларга эга. Бундай иловаларни Веб 2,0 тизимларига кўшиш қабул қилинган.

Ижтимоий дастурий таъминотлар ичидаги дастурий инструментларни иккита гуруҳга: коммуникацион ва интерфаол инструментларга ажратиш мумкин.

Коммуникацион инструментлар коммуникацион маълумотларни кўпинча матн кўринишида ҳамда кўпайиб бораётган аудио ва видео форматларда ёзиш, сақлаш ва тақдим қилиш учун қўлланилади

Интерфаол инструментлар алоҳида фойдаланувчилар ва уларнинг гуруҳлари орасида маълумотлар (турли медиаформатлардаги) воситасида ўзаро муносабатларни қўллаб-қувватлаш учун қўлланилади. Бунда коммуникацион инструментлардан фарқ қилган ҳолда фойдаланувчиларнинг алоқада бўлиши ва улар орасидаги мулоқот механизмларига эътибор қаратилади.

Коммуникацион инструментлар одатда асинхрон бўлиб, интерфаол инструментлар кўп ҳолларда синхрон бўлади, бу эса, фойдаланувчиларга реал вақт режимида ўзаро мулоқотда бўлиш (интернет-телефония, видеочатлар ва ш.к.) ёки деярлик синхрон (оний хабарлар хизмати, матнли чатлар ва ш.к.) имконини беради.

Ижтимоий дастурий таъминотга тегишли дастурий тизимларга куйидаги мисолларни келтириш мумкин:

-Оний хабарлар алмашиш тизимлари (IM – Instant messaging) бошқа фойдаланувчи билан реал вақт режимида (нисбатан ҳимояланган режимида) мулоқот қилиш имконини беради. Улардан энг оммавийлари сифатида Skype, ICQ, Yahoo! Messenger, MSN Messenger, AOL Instant Messenger, Miranda IM ни кўрсатиш мумкин. Бизнесга йўналтирилган тизимларга IBM Lotus Sametime, Microsoft Messenger ва Jabber ни кўрсатиш мумкин.

-Интернет-чатлар (IRC – Internet Relay Chat) бир вақтда бир нечта фойдаланувчиларнинг реал вақт режимида мулоқот қилишлари имконини беради.

-Интернет-форумлар электрон конференциялар (WWW пайдо бўлишидан олдинги) ўрнига пайдо бўлган. Форумнинг фойдаланувчиси бошқаларга тушунарли бўлган янги “мавзу” яратиши мумкин. Бошқа фойдаланувчилар мавзунини кўриб чиқиши ва ўз шарҳларини олдинма-кейин ёзув режимида қолдиришлари мумкин.

Веб-блоглар (web logs) ёки қисқача қилиб айтганда, блоглар. Уларни айрим фойдаланувчиларнинг шахсий он-лайн журналлари деб ҳисоблаш мумкин. Блог эгаси ўз журналида маълумотларни жойлаштириши, бу вақтда эса, бошқа фойдаланувчилар (ўқувчилар) уларга ўз шарҳларини қолдиришлари мумкин.

-Вики-маълумотномалар (wiki) ёки оддий айтганда, вики – ўз моҳиятига кўра веб-сайтлар бўлиб, улардаги маълумотлар сайтга кирувчилар томонидан таҳрир қилиниши мумкин. Энг маълум мисол – Википедия.

-Сервиси ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларга он-лайн режимда улар учун умумий манфаатлар, қизиқишлар атрофида ёки турли сабабларга кўра бирлашиш имконини беради. Масалан, айрим сайтлар тақдим қиладиган хизматлар ёрдамида фойдаланувчилар шериклар излаш учун зарур бўлган шахсий ахборотни истаган кишилар кириши учун жойлаштиришлари мумкин. Мисоллар: LinkedIn, В контакте.

-Қарорлар қабул қилиш ижтимоий тармоқлари – қарорлар қабул қилиш мақсадида муҳокама қилиш учун веб-тармоқлар. Алоҳида кишиларнинг ҳукумат билан доимий алоқасини ўрнатиш учун фойдаланилади.

-Тижорат ижтимоий тармоқлари – бизнес-транзакцияларни қўллаб-қувватлаш ва одамларнинг маълум маҳсулот ва уни қандай қилиб яхшироқ қилиш ва ш.к. тўғрисидаги фикрларини ҳисобга олган ҳола ва бу орқали истеъмолчиларга маҳсулотни такомиллаштиришда иштирок этиш имконини бериб, уларнинг хабардорлигини кенгайтириш орқали брендларга ишончини шакллантиришга йўналтирилган.

-Ижтимоий қўйилмалар (social bookmarking). Айрим веб-сайтлар фойдаланувчиларга қўйилмалар рўйхатини ёки оммавий веб-сайтларни бошқалар ихтиёрига бериш имконини беради. Бундай сайтлар шунингдек, қизиқишлари умумий фойдаланувчиларни излаш учун ҳам қўлланиши мумкин. Мисол: del.icio.us.

-Ижтимоий каталоглар (social cataloging) ижтимоий қўйилмаларга ўхшаш, лекин академик доираларда фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб, фойдаланувчиларга илмий мақолалардан цитаталар маълумот базалари билан ишлаш имконини беради. Мисоллар: Academic Search Premier, LexisNexis Academic University, CitelULike, Connotea.

-Ижтимоий кутубхоналар кирувчиларга ўз коллекциялари, китоблари, аудиоёзувлари ва ш.к.га ҳаволаларни бошқалар кира оладиган ҳолда қолдириш имконини берадиган иловалардан иборат. Тавсиялар, рейтинглар ва ш.к. тизимини қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Мисоллар: discogs.com, imdb.com.

-Кўп фойдаланувчилар тармоқ ўйинлари (Massively Multiplayer Inline Games) виртуал ўйинларни имитация қилади. Унда очколар, даражалар, мусобақалашуш, ғолиблар ва ютқазганларни ҳисоблашнинг турли тизимлари қўлланилади. Мисол: World of Warcraft.

Фолксонмия

Фолксонмия (folksonomy) – контентни (хаволалар, фото, видео клиплар ва ш.к.)ни ихтиёрий танланадиган белгилар (тегллар) воситасида

биргаликда тоифалаштириш амалиёти ва методикаси. У одамлар гуруҳининг контентни ташкил қилиш мақсадидаги ўз-ўзидан юзага келадиган ҳамкорлигига асосланган ва индекс атамалар асосида таснифлашнинг анъанавий расмий методларидан тўлиқ фарқ қилади. Одатда, бу феномен фақат иерархик гуруҳларда, масалан, ҳамма кирадиган веб-сайтларда, келиб чиқади. Контент фолксономияси иштирокчилари одатда, унинг асосий истеъмолчилари ҳам бўладилар, шу сабабли, фолксономия методикасидан фойдаланиш бутун гуруҳ контетининг биргаликдаги концептуал моделини аниқроқ акс эттирадиган натижаларга олиб келади.

Фолксономиянинг натижаларни ишончсиз ва ўзаро мувофиқлашмаган бўлишига олиб келувчи асосий муаммолари қуйидагилар:

- Грамматик кўплик шакллариининг борлиги.
- Полисемия (кўп маънолилиқ).
- Синонимия (маънодошлиқ).
- Белгиларни қўллаш чуқурлиги (ўзига хослиги).

Фолксономияни Семантик веб-тармоқнинг ривожланишидаги асосий элементлардан бири сифатида ҳисоблаш мумкин. Семантик веб-тармоқ доирасида ҳамма веб-саҳифалар улардаги маълумотларни баён қилувчи, машинада ишлов беришга йўналтирилган мета маълумотлардан иборат бўлади. Бу мета маълумотлар излаш тизимлари ишини сезиларли яхшилаши керак. Лекин ишончсизлик ва ўзаро мувофиқлашмаганликдан келиб чиқадиган қийинчиликларнинг олдини олиш учун, саҳифалар муаллифларининг катта гуруҳлари ишида уларга мета маълумотлар стандартларидан, масалан, Дублин ядроси (Dublin Core)дан фойдаланиш тавсия қилинади.

Семантик веб-тармоқ

Семантик веб-тармоқ (Semantic Web) – WWW тармоғидаги кириш мумкин бўлган ахборотни машинада ишлаш имкониятини амалга ошириш мақсадида Интернет тармоғини ривожлантириш глобал концепциясининг бир қисми. Бу концепцияда асосий эътибор ҳозирги кунда фойдаланилаётган ҳужжатларнинг матнли таҳлили ўрнига, WWW ресурсларининг хусусиятлари ва мазмунини бир маънода характерлайдиган мета маълумотлар билан ишлашга қаратилади.

Бу атама 2001 йил майда тим Бернерс-Ли томонидан киритилган.

Семантик веб-тармоқда қуйидагилардан ҳамма ўринларда фойдаланиш кўзда тутилади:

- ресурсларнинг универсал идентификаторлари (URI),
- мета маълумотлар онтологиялари ва тавсифлаш тиллари.

Семантик веб-тармоқ концепцияси W3C томонидан қабул қилинган ва илгари сурилмоқда. Уни жорий қилиш учун WWW ресурслар тўғрисидаги мета маълумотларни ўз ичига олган ва улар билан ёндош ҳолда мавжуд бўлган ҳужжатлар тармоғини яратиш назарда тутилади. Бунда ресурсларнинг ўзи одам идрок қилиши учун мўлжаллангани ҳолда, мета маълумотлардан

эса, машиналар (излаш роботлари ва бошқа интеллектуал агентлар) томонидан мантиқий хулоса механизмлари ёрдамида бу ресурсларнинг хусусиятлари тўғрисида бир маъноли ахборот олиш учун фойдаланилади.

Семантик тўрнинг техник қисмини XML, XML Schema, RDF, RDF Schema, OWL ва бошқаларни ўз ичига олган тавсифлаш тилларига стандартлар оиласи ташкил қилади. Мета маълумотларни тавсифлаш зарурати у ёки бу сабаблар билан маълумотларни такрорлашга олиб келади. Ҳар бир ҳужжат икки нусхада: одамлар ўқиши учун белги қўйилган ҳамда машинада ишлов беришга йўналтирилган форматда яратилган бўлиши керак.

Онтология

Онтология – бу концептуал схема ёрдамида бирор билим соҳасини тўлиқ қамраб олинган ва деталлаштирилган ҳолда формаллаштиришга интилишдан иборат. Одатда, бундай схема объектларнинг барча релевант синфларини, уларнинг боғлиқликларини ва шу соҳада қабул қилинган қоидалар (теоремалар, чеклашлар)ни ўз ичига олган маълумотларнинг иерархик структурасидан иборат.

Ҳозирги онтологиялар, одатда, нусхалар, тушунчалар, атрибутлар ва муносабатлардан иборат.

Онтологияларни тавсифлаш учун Веб томонидан махсус тил – XML асосида яратилган OWL (Web Ontology Language) ишлаб чиқилган. OWL тилидан синфлар ва улар орасидаги муносабатларни тавсифлашда фойдаланиш мумкин. Бу тилнинг асоси - воқеликни “объект - хусусият” маълумотлари моделида тасаввур қилишдан иборат. Бу тил фақат веб-саҳифаларни тавсифлаш учун эмас, балки воқеликнинг исталган объектларини тавсифлаш учун қўлланилади ва Семантик веб-тармоқни яратиш учун зарур фундаментал технологиялардан бири ҳисобланади.

Семантик веб-сервислар

Ресурслар ва уларнинг мета маълумотлари йиғиндисини семантик тўрнинг статик қисми деб ҳисоблаш мумкин бўлса, унинг динамик қисмини семантик веб-сервислар – бир хил маънода тавсифланган семантика билан Веб орқали кириш мумкин бўлган ва излаш, композиция куриш ва бажариш учун яроқли бўлган дастурий мантиқнинг тугалланган элементлари ташкил қилади.

Семантик веб-сервис техник жиҳатдан оддий веб-сервисдан фақатгина ундаги интерфейснинг тавсифида (одатда, WSDL тилида) сервисга бериладиган, қайтариладиган мазмунлар ва пайдо бўладиган хатолар бўйича маълумотлар турларига тегишли атамалар борлиги билан эмас, балки унинг барча характеристикаларининг семантик тавсифи борлиги билан ҳам фарқланади.

Семантик веб-сервислардан фойдаланишнинг потенциал ютуғи кўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун мос келадиган дастурий сервисларни агентлар билан автоматик излаш (ҳамда композиция қуриш) имкониятидан иборат.

Шунга қарамай, бу вазифанинг умумий формулировкасида унинг мураккаб эканлиги ҳозирча ундан фақат сервисга-йўналтирилган архитектурани жорий қилишдан яққол равишда манфаатдор бўлган тор ихтисослаштирилган соҳаларда, масалан, корпоратив иловаларни интеграциялаштиришда, айрим ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

Word Press тўғрисида тушунча. Word Press ни ўрнатиш. Маъмурий панель (Адмпанель). Синаб кўриш учун ишга тушириш.

Word Press – бу шахсий блоггинг учун бақувват платформа ҳисобланади. У онлайн нашрлар яратиш жараёнини максимал соддалаштириш, уни кўнгилли ва қулай қилиш учун жуда яхши имкониятлар тўпламига эга. Word Press – бу шахсий блоггинг учун амалий созланишлар ва кўринмайдиган хусусиятлар ҳамда ўта мослашувчан ва созланадиган ядрога эга бўлган, эркин тарқатиладиган, стандартларга мос келадиган, тезкор, осон ва бепул платформа ҳисобланади.

Лицензия: Word Press ни GPL лицензияси билан чиқарилган.

Платформа: PHP (5.2.4 ёки ундан юқори версияси) ва MySQL (5.0.2 ёки ундан юқори версияси) талаб қилинади.

Локал ўрнатиш: Word Press фойдаланувчининг шахсий Web-сервериди ёки унинг блоги устидан тўлиқ назорат олиб боришини таъминлайдиган хостери сервериди ўрнатиш учун мўлжалланган. Хостинг хизматларини тақдим қилувчи бошқа хизматлардан фарқ қилган ҳолда

фойдаланувчи зарур бўлганда ўз блоги устидан тўлиқ назорат ўрнатиши мумкин. Бу билдирадигани, фойдаланувчи Word Press ни оддий уй компьютерига ўрнатиши ёки уни Интернет тармоғида очиши мумкин.

Кўчма асоси: фойдаланувчи ўзи нашр қилаётган блогнинг иш муҳити (back-end)ни яратадиган Word Press га боғланган файллар дарахтини қандай қилишни танлаши мумкин. Бу файллар блог жойлашган директорияда ёки бошқа жойда бўлиши мумкин. Масалан, агар блог файлларини <http://example.com> (одатда, public_html папкасига – фойдаланувчи хостинг-аккаунтининг “илдизи”га) қўйиш, у билан боғлиқ файлларни ва каталоглар дарахтини эса, <http://example.com/wordpress> (public_html wordpress) папкасига қўйиш керак бўлса, бу ишларни бажариш мумкин.

UTC билан мослиги: WordPress фойдаланувчи вақтини Универсал Мувофиқлаштирилган Вақт (UTC)га нисбатан силжиш сифатида аниқлаш имконини беради. Натижада вақт билан боғлиқ ҳамма элементлар маълумотлар базасида универсал стандарт ҳисобланадиган GMT қийматлари билан сақланади. Бошқа нарсалар орасида бу фойдаланувчининг блогида ҳатто унинг сервери бошқа вақт минтақасида бўлганида ҳам, коррекцияланган вақтни акс эттириш имконини беради.

Gzip ёрдами: WordPress га созланишда gzip режимини киритиш орқали трафикни тежаш мумкин. Агар сайтга кирувчининг браузерини gzip функциясини сақлаб турса, Wordpress gzip ёрдамида саҳифаларни жўнатиш учун автоматик жойлайди. Gzip функцияси ишлаши учун фойдаланувчининг Apache веб-сервери созланишларида mod_gzip модулини ишга тушириш зарур.

Фойдаланувчиларни бошқариш: WordPress турли имкониятларга киришда фойдаланувчилар даражасидаги назоратни қўллайди, бу билан эса, фойдаланувчининг блогида ҳар бир кирувчининг мазмунга қўшимчалар қўйиш ёки янги мазмун яратиш билан ўз кириши даражасини ўзгартириши имконини чеклаш мумкин.

Фойдаланувчилар профили: Блогнинг ҳар бир фойдаланувчиси агар хоҳласа, ўз профилини (масалан, электрон почта манзили, мессенжеорлар ва ш.к.)ни созлаши мумкин. Шунингдек, фойдаланувчилар бу маълумотларнинг блогда акс этишини бошқаришлари мумкин.

Оддий ўрнатиш ва янгилаш: WordPress нинг 5 минутда ўрнатилиши ўзининг оддийлиги ва фойдаланиш осонлиги билан машҳур ва энг мукамал ҳисобланади. Шунингдек, WordPress нинг энг янги версияси бўйича блогни

янгилаш процедураси ҳам жуда оддий ва ўрнатишга нисбатан кам вақтни олади.

Саҳифаларни динамик генерациялаш: Ахборотларни янгилагандан ёки блогнинг исталган аспектини ўзгартиргандан кейин саҳифаларни ҳар гал қайта созлаш керак эмас. Фойдаланувчи блогининг саҳифасини браузер ҳар гал чақирганда барча саҳифалар маълумотлар базаси ва андаза (шаблон)лар (templates)дан фойдаланиб генерацияланади. Бу фойдаланувчининг блоги ва унинг дизайни мумкин бўлган даражада шунчалик тез янгиланишини билдиради, бундан ташқари диск учун талаб қилинадиган бўшлиқ минимал даражада.

Байналмилаллаштириш ва маҳаллийлаштириш (интернационализация ва локализация): Фойдаланувчи ўз эҳтиёжларига мувофиқ маҳаллийлаштирилган ва ўзига керакли тилларда акс эттириладиган блог яратиши мумкин. Таржима қилиш ҳамда WordPress ни имкон борича тўлиқ маҳаллийлаштириш учун gettext дан фойдаланилади.

Дизайнни андазалар бошқаради: WordPress динамик саҳифаларни генерациялаш учун андазалардан фойдаланади. Фойдаланувчи **Редактор шаблон** ва **Теги шаблон**инструменти ёрдамида андазаларни таҳрир қилиш йўли билан мазмуннинг акс эттирилишини бошқариши мумкин.

Файллар Шаблони ва Редактори: WordPress га шаблонларни ва улар билан боғлиқ файлларни тўғридан-тўғри браузерда таҳрир қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган файллар муҳаррири ўрнатилган. Бунда шаблонлар ва файлларни таҳрир қилиш учун чиқариб олиш ёки уларга FTP бўйича кириш имконияти бўлиши зарур эмас.

Шаблонлар тегилари: Шаблонлар тегилари саҳифаларни дизайнлаш ва фойдаланувчи блогида ахборотларни тақдим қилишни осонлаштиради. Ўз блогини яратиш учун ҳатто PHP дастурчи бўлиш ҳам талаб этилмайди.

Мавзулар: Фойдаланувчи ўз блогини осон тушунарли мавзулар ва стиллар ёрдамида расмийлаштириши мумкин. Шунингдек, ўз шахсий мавзуларини яратиш ва улардан бошқалар билан биргаликда фойдаланиш мумкин.

Плагинлар: Фойдаланувчи ўз блоги ядросининг функцмоналлигини кенгайтириши мумкин. Plugins бўлимида чиқариб олиш учун плагинларнинг катта миқдори мавжуд.

Пароль билан ҳимоя: Агар бирор нарса ҳақида ҳамма билан эмас, фақат айрим одамлар билан фикрлашмоқчи бўлганда, уни пароль билан ҳимояланади.

Саҳифаларнинг индивидуал манзиллари: Агар фойдаланувчи ўз сайтида тоза URL дан фойдаланганида ҳар бир саҳифага ўз индивидуал манзилини бериши мумкин.

Келгусида ёзиш: Бугун ёзилган мақолага уни нашр этишнинг бошқа санасини қўйиш мумкин. У ўша санада автоматик равишда пайдо бўлади.

Кўп саҳифали мақолалар: Агар мақола матни жуда узун бўлиб чиқса, уни саҳифаларга ажратиш мумкин. Шунда ўқувчилар уни ўқиш учун узок вақт айлантириб туришлари керак бўлмайди.

Файлларни юклаш: Фойдаланувчилар файлларни юклаши ва уларга ҳаволаларни кўрсатиши ёки уларни ўз мақоласида акс эттириши (агар улар расмлар бўлса) мумкин.

Тоифалар (категориялар): Мақолаларни муайян тоифада ёки кўплаб кичик тоифаларда ташкил қилиш мумкин.

Смайллар: WordPress рамзий смайлларни график санамчаларга айлантира олади.

Қораламалар (черновиклар): Тугалланмаган мақолани сақлаш ва тайёр бўлганидан кейин нашр қилиш мумкин.

Мақолаларни олдиндан кўриб чиқиш: “Нашр этилсин” (“Опубликовать”) тугмачасини босишдан олдин “Кўриб чиқиш” (“Посмотреть”) тугмачасини босиб, мақолани кўриб чиқиш ва у кутилгандек эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Махсус дастурлар орқали нашр қилиш: Агар блогни янгилаш учун браузердан фойдаланиш имконияти бўлмаса, кўмаклашувчи махсус дастурлар MetaWeblog ёки Blogger API дан фойдаланиш мумкин.

email орқали нашр қилиш: Маълумотларни махсус email га жўнатиш мумкин, улар блогда автоматик равишда нашр қилинади.

Bookmarklets: Add the “Press it” bookmarklet provided by WordPress to your browser and you have a shortcut to create an article with a link to the page currently displayed on your browser!

Ён томондаги панель: Агар кўйилмалар маъкул бўлмаса, худди шундай равишда қўллаш мумкин бўлган ён томондаги панеллардан фойдаланиш мумкин.

Форматлаш: Мақолаларнинг тартибли кўриниши учун WordPress га олдиндан ўрнатилган плагиндан материалнинг ташқи кўринишини таҳрир фқишлиш учун фойдаланиш мумкин.

Архивлаштириш: Блогни узоқ вақт давомида олиб боришда унда кўп материаллар йиғилиб қолиши мумкин. WordPress да архивлаштириш материалларни фойдаланувчи учун қулай шаклда чиқариб беришни ташкил қилиш имкониятини беришга қаратилган. Маълум йил, ой, ҳафта, кун, қайсидир тоифага ёки муаллифга тегишли материалларни кўрсатиш учун танлаш мумкин. Саҳифалар махсус шаблон ёрдамида автоматик равишда генерацияланади.

Излаш: WordPress ичига ўрнатилган излаш ипструментига эга. У блогга кирувчиларга ўзларига керакли ахборотни атамалар бўйича излаш имконини беради. Шунингдек, WordPress томонидан тақдим қилинадиган “search-hilite plugin” плагини ёрдамида излаш шартларини бериш мумкин. Бунга қўшимча равишда плагин шунингдек, фойдаланувчининг блогига Google га ўхшаш излаш тизимларида “излаш натижасини” босган кирувчига ҳам худди шундай имконият беради.

Гуруҳ яратиш: WordPress, у YMCA бўлмаса ҳам, trackback, pingback тизимлари шарҳлари ёрдамида блоглар теваарагида гуруҳлар яратишга ҳақиқатан ёрдам беради. Бу аудитория билан алоқани сақлаб туриш ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Рухсат этилган html теглар: Ҳамма ҳам яхши ниятли бўлмагани сабабли айрим тегларан фойдаланишни чеклаш лозим. Яширилган ҳолдаги HTML-тегларга рухсат берилган. WordPress одамларга ўз шарҳларида HTML дан фойдаланиш имконини бериш билан фойдаланувчининг маълумотлари ёки сервернинг маълумотлари хавфсизлигини хатарга қўймайдиган ақлли тизимдир.

Модерациялаш: WordPress куйидаги назорат вариантларини тақдим қилади:

- шарҳларни назорат қилиш, уларни блогга қўшмасдан олдин;
- уларда махсус сўзлардан фойдаланиш;

- IP манзиллар, улардан шарҳларни жўнатиш мумкин бўлган манзиллар;
- шарҳдаги ҳаволалар сони.

Бу барча опциялар спамерлар ва бошқа бузуқ ниятли одамларни тутиб қолишга ёрдам беради.

Хабар юбориш: WordPress янги шарҳлар ёки модерацияланиши кутилаётган шарҳлар ҳақида фойдаланувчига хабар бериши мумкин.

Blogroll: Кўп ўқиладиган ва бошқа фойдаланувчилар билан ўртоқлашиладиган блогларга ҳаволалар рўйхатини тузиш мумкин. Бунинг учун WordPress да ичига ўрнатилган ҳаволалар менеджери бор.

Тоифалаштириш (Категоризация): Фойдаланувчи Blogroll идаги ҳаволалар тоифалар бўйича ташкил қилиниши мумкин.

Импорт: Агар OPML файл бор бўлса, уни WordPress блогига импорт қилиш мумкин.

Экспорт: Шунингдек, ҳаволаларни OPML файлга экспорт қилиш мумкин.

Акс эттириш: Ҳаволаларни акс эттиришни исталганча созлаш, уларни алфавит бўйича, қўшилган санаси ва ш. к. бўйича хилларга ажратиш мумкин.

WordPress ни ўрнатиш

- 1.Пакетни архивдан бўш каталогга чиқариб серверга юкланади.
- 2.Ўз браузерда wp-admin/install.php ни очилади. Бу скрипт wp-config.php файлини фойдаланувчининг маълумотлар базасига кириш параметрларига эга бўлган ҳолда яратишга ёрдам беради.
- 3.Агар бирор сабаб билан автоматик равишда ўрнатиб бўлмаганда (у ҳамма серверларда ишламайди) WordPad га ўхшаш матн муҳарририда wp-config-sample.php ни очиб, маълумотлар базасига кириш параметрларини тўлдирилади.
- 4.Файлниwp-config.php номи билан сақланади ва серверга юкланади.
- 5.Браузерда wp-admin/install.php ни очилади.

6. Конфигурация файли яратилгандан кейин ўрнатиш скрипти блог учун зарур жадвалларни яратади. Агар хато рўй берса, wp-config.php файлини қайта текширилади ва қайта киритилади. Агар шунда ҳам бўлмаса, мумкин қадар кўп ахборот йиғилган қувватлаш форумига мурожаат қилинади.

7. Агар фойдаланувчи пароль киритмаган бўлса, ўзига берилган паролни эслаб қолиши керак. Агар логин киритилмаган бўлса, у admin бўлади.

8. Ўрнатиш скрипти фойдаланувчини кириш саҳифасига йўналтиради. Унга ўрнатиш пайтида танланган логин ва пароль билан кирилади. Агар пароль автоматик яратилган бўлса, уни алмаштириш учун “Профиль” саҳифасига ўтиш мумкин.

Бошқа тизимлардан ўтиш: WordPress айрим тизимлардан маълумотларни импорт қилиши мумкин. Бунинг учун аввал WordPress ни юқорида айтилгандек ўрнатиш ва ишга тушириш, кейин импорт учун ўзидаги инструментлардан фойаланиш керак.

Тизим талаблари: PHP версиялари 5.2.4 ёки юқори, MySQL версиялари 5.0 ёки юқори бўлиши керак.

Тавсиялар:

PHP версиялари 5.6 ёки юқори бўлиши керак.

MySQL версиялари 5.6 ёки юқори бўлиши керак.

Модуль Apache mod_rewrite бўлиши керак.

Фойдаланувчи сайтидан ҳавола wordpress.org га бўлиши керак.

Тармоқ ресурслари: Агар ушбу ҳужжатга тегишли бўлмаган исталган саволлар бўлса, бошқа кўп сонли тармоқ ресурсларидан фойдаланилади.

WordPress кодекси: Бу кодекс WordPress га тегишли ҳамма нарсанинг энциклопедиясидир. У WordPress тўғрисидаги энг тўлиқ маълумот манбаи.

WordPress блоги: Унда WordPress оламига тегишли охири янгиланишлар бўлади. WordPress тўғрисида яширин ҳолдаги энг янги янгиликлар фойдаланувчининг бошқарув панелида пайдо бўлади.

WordPress сайёраси: WordPress сайёраси – бу бутун дунёдаги WordPress дан фойдаланувчиларнинг блогларидан ёзувларни йиғувчи янгиликлар агрегатидир.

Қувватлаш форумлари: Агар изланган маълумот кўп жойлардан топилмаганда ёрдам кўрсатишга тайёр одамларнинг катта ва фаол гуруҳи бор. Улар ёрдам кўрсата олишлари учун керак маълумотнинг ахборотли сарлавҳасидан фойдаланилади ва саволни максимал батафсил ифодаланади.

WordPress нинг IRC-канал: WordPress дан фойдаланувчилар орасида бирор масалани муҳокама қилиш ва баъзан ёрдам кўрсатиш учун қўлланиладиган онлайн-чат канали бор. Унга кириш учун юқоридаги хавола бўйича саҳифа (irc.freenode.net/#wordpress) ёрдам беради.

Лицензия: WordPress бепул ва GPL лицензияси (GPL нинг 2- ёки кейинги версиялари) бўйича эълон қилинган. [license.txt](#) га қаранг.

Админпанель

Админпанель фойдаланувчи веб-сайтнинг энг юраги. Унда энг чиройли сайт яратиш бўйича ижодкорлик қобилиятларини тўлиқ амалга ошириш мумкин. Унда сайтнинг ҳамма қисмлари ягона яхлит ва бетакрор бўлиб йиғилади. Бу фақат бошланиши.

Админпанелнинг юқорисида меню бор, ундан “Просмотр сайта”ни танлаб кўриб чиқиш мумкин, Унга минутлар, соатлар, ҳафталар, ойларни сарфлаш мумкин.

WordPress сайтини ишга тушириш синови.

Бу иш WordPress нинг стандарт мавзусининг ишлашини кузатишдан бошланади. Уни ишга тушириш синовининг давомида аввал сайтни кўриб чиқиш ва ўрганиш лозим. Кейин керак ахборотни излаш, топиш, ўрганиш, ўзгартириш, янгисини киритиш, жойларини алмаштириш, кўринишини, шаклини қайта ишлаш ва шу каби кўп ишларни бажариш мумкин.

WordPress нинг бу кўриниши мавзу деб номланади. У фойдаланувчи сайтнинг ташқи кўринишидан иборат. Сайтда унинг номи юқорисидаги катта кўк “чордоқ” бор. Бу қисмни “header” деб номланади. Сайтда яна меню бор. Уни “sidebar menu” дейилади. Катта ички марказий қисми (секцияси) – мавжуд ахборотлар қисми – “post” дейилади. Саҳифанинг энг пастки қисмида эса, “ертўла” жойлашган бўлиб, уни “footer” дейишади.

Энди постга эътибор қаратамиз. У сарлавҳа ва унинг пасткида тегишли ахборотни ўз ичига олади. Бу ахборот мета маълумотлар деб номланади ва

пост ҳақидаги ахборотни: пост эълон қилинган сана ва вақтни, пост муаллифини, пост тоифасини ўз ичига олади.

Саҳифанинг пастига тушамиз. Энг пастда тўғри тўртбурчак кўринишидаги жой бор. Бу “ертўла” бўлиб, уни “footer” дейишади. Унинг устида шундай ёзув бор: “(your blog) is proudly powered by WordPress”.

Ён томонда ҳар турли ахборотлар бор. У ерда масалан, саҳифалар рўйхати, тоифалар, архивлар, календарь ва сана бўлади. У навигация панели бўлади. Ундан сайт бўйлаб ҳаракатланишда, турли тоифалардан постларни ва вақт даврларини кўришда фойдаланилади.

Энди сайтнинг яна майдароқ, лекин аҳамиятли деталларига эътибор қаратамиз. Курсорни постнинг сарлавҳасига келтирамиз. Бунда у ўз рангини ўзгартиради. Бу хусусият hover деб аталади. Мавзулар иловаларни акс эттиришнинг турли стилларини тақдим қилади. Курсорни ён панелдаги иловалар устидан юргизганда улар ўзгариши ёки шундайлигича қолиши мумкин. Саҳифанинг турли секцияларида иловалар учун турли hover ўрнатиш мумкин. Аммо улар ҳамма жойда бир хилда бўлиши мақсадга мувофиқ. Иловалар ранги бўйича бошқа матндан фарқ қилади.

Дизайннинг майда деталларига ва уларнинг саҳифада жойлашишига эътибор қаратамиз. Уларни керак бўлганда алмаштириш мумкин. Масалан, кўк “чордоқ” (header) даги сарлавҳанинг рангини ўзгартириш учун саҳифанинг ташқи кўринишига жавоб берувчи файл – стиллар жадвалининг header секциясига тегишли ўзгаришларни киритилади.

Бунда ишланаётган фақат битта пост бор бўлиб, у сайтнинг бош саҳифасида жойлашган. Агар постнинг сарлавҳасини босилса, ушбу постнинг ичидагиларни очиб берувчи батамом бошқа саҳифа кўринади. Айрим дизайнерлар бу саҳифаларни бош саҳифадан фарқли қиладилар.

Кўринмайдиган мавзу –Алоҳида постнинг кўриниши.

Дизайн элементларининг жойлашуви ва фарқларини кўриб чиқишда давом этамиз. Масалан, бошқа сарлавҳа ёзиш, шрифтни майдалаштириш ёки йириклаштириш, умуман бошқа рангга ўтиш, ён панель борми? каби масалаларнинг ҳал этилишини кўриб чиқамиз. Масалан, кўринмайдиган мавзуда алоҳида пост саҳифасида ён панель йўқ. Умуман қараб чиқиш билан бир вақтда ҳамма фарқларга эътибор қаратамиз.

Одатда, постлар тоифалар бўйича жойлаштирилади. Бу ўзаро боғлиқ ахборотларни биргаликда сақлаш имконини беради. Ишланаётган фақат

битта тоифа бор бўлганда, уни керагича кўпайтириш мумкин. Бош саҳифада ён панелдаги тоифа сарлавҳасини босиб, фақат шу тоифага тегишли постлар бўлган саҳифага ўтилади. Ва яна жойлашишни кўриб чиқамиз ва фарқларни излаймиз.

Архивлар билан ишлаш ҳам ҳудди шундай. Турли саҳифаларнинг дизайни ва жойлашишидаги умумий фарқларни кўриш ва ишлашининг асосий тамойилларини тушуниш учун битта постнинг ўзи ҳам етарли бўлади. Бу фарқларнинг ҳаммаси Шаблонлар деб номланадиган бир нечта махсус файлларни таҳрир қилиш орқали амалга оширилади. Шаблонлар ҳақида батафсилроқ Шаблонлар асослари бўлимида билиш мумкин.

Админпанелни тестдан ўтказиш

Админпанелнинг инструментлар панели

Сайтнинг ташқи кўриниши ва ҳар хил рубрикаларнинг номланиши бўйича айрим ғояларни амалга оширишда WordPress нинг админпанелига кирилади. Унда биринчи кўринадиган саҳифа инструментлар панели бўлади. Инструментлар панели – бу WordPress v1.5 нинг янги имкониятидан иборат. Унинг ёрдамида сайтни самарали бошқариш мумкин. Масалан, амалга оширилган ишлар рўйхатини бурчакда дарҳол кўриш мумкин.

Админпанелнинг энг юқорисида қуйидаги мазмунга эга бош менюни кўриш мумкин:

Dashboard

Write

Manage

Links

Presentation

Plugins

Users

Options

Logout (name)

Фойдаланувчи профили

Бу ҳаволаларнинг ҳаммаси тегишли мақолаларга олиб боради. Уларни ўқиб админпанелдан фойдаланишни ўрганилади. Аммо ҳозирда “Фойдаланувчилар” панелидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун “Фойдаланувчилар” иловасини босилади. Бунда саҳифа алмашади ва “Профиль” деб номланган панель кўринади. Унга ўзи тўғрисидаги – сайтнинг муаллифи ва администратори тўғрисидаги маълумотлар киритилади. “Муаллифлар ва фойдаланувчилар” иловасида бошқа муаллифларни ҳам кўшиб ёзиш мумкин. Бир муаллиф бўлганда ўзи тўғрисида нимани хоҳласа ёзиб “Профильни янгилаш”ни босилади.

Энди админпанелнинг энг диққатга лойиқ имкониятларини кўриб чиқамиз.

Сайтнинг ташқи кўринишини тез ўзгартириш мумкин.

Сайтни тақдим қилиш панели.

Тақдим қилиш панели мавзулардан фойдаланган ҳолда сайтнинг ташқи кўринишини ўзгартириш имконини беради. Мавзулар – бу сайтнинг ташқи кўринишини тубдан ўзгартирадиган тугалланган яхлит усуллардир. Бундай мавзулар юзлаб мавжуд. Уларнинг ҳаммаси WordPress нинг фойдаланувчилари томонидан ишлаб чиқилган. Улардан исталганини танлаш мумкин. Сайтни тақдим қилиш панелида фақат иккита мавзуни: классик ва кўринмайдиган мавзуни кузатиш мумкин. Мавзуни алмаштириш қандай ишлашини кузатиш учун Classic мавзусини танлаб “Кўриш”ни босилади. Сайтнинг фақат ташқи кўриниши алмашади, қолган ҳаммаси ўз ўрнида қолади.

Сайтни илгариги ҳолатига қайтариш учун тақдим қилиш панелига қайтамиз (браузердаги “Орқага” кнопкаси) ва Default мавзусини танлаймиз. Шундан кейин “Кўриш”ни босишни унутмаслик керак.

Постлар яратамиз ва уларни бошқарамиз.

Админпанелга қайтганда “Ёзувлар панели” ва “Ёзувларни бошқариш панели”га эътибор қаратиш керак. Фойдаланувчи янги ёзувларни эълон қилиш ва ўз блогида янги саҳифалар яратиш учун “Ёзувлар панели”даги махсус иловалардан фойдаланиши мумкин. “Ёзувларни бошқариш панели”дан фойдаланиб ўз постларини алмаштириш ва ўз блогидаги саҳифаларни бошқариш мумкин.

“Пост яратиш” иловаси ёрдамида биринчи тест постни яратишни кўриб чиқамиз.

“Ёзувлар панели”

Бизнинг Кодексдаги “Пост яратиш” мақоласи фойдаланувчига ўз сайти учун постларни ёзиш жараёни билан батафсил танишиб чиқиш имконини беради. Фойдаланувчи постларни яратиш жараёни билан батафсил баён қилинган бу мақолани ўқиб чиқиб блогда ўзининг биринчи ёзувини яратиши, кейин эса, бу матнга яна қайтиши мумкин.

Синаш учун ишлатиб кўриш

Агар шошилаётган ёки Кодекс билан батафсил танишиб чиқиш истаги бўлмаганда ҳамма зарур хошияларни олдинма-кейин тўлдириб биринчи ёзув учун оддий тест (синаб кўриш) матнини ёзиб, саҳифанинг пастига жойлашган “Эълон қилинсин” (“Опубликовать”) кнопкасини босилади. Агар ҳаммаси тўғри бажарилган бўлса, саҳифа автоматик равишда юкланади ва фойдаланувчи ўз блогда янги постларни яратиши мумкин. Яна бирнечта (уч-тўртта) постларни яратиб кўриш мақсадга мувофиқ.

Экраннинг юқори қисмидаги “Сайтни кўриш” кнопкасини босиб унда ёзилганларни кўриб чиқиш мумкин.

Режалаштириш

Чинакам яхши веб-сайтларни ишлаб чиқиш яхши режани ишлаб чиқишдан бошланади. Бундай режани тузишда аввал қуйидаги саволларга жавоб бериш яхши ёрдам беради:

1. Айнан қандай сайт яратмоқчиман?
2. Уни айнан ким ёки кимлар учун яратмоқчиман?
3. Сайтда қандай ахборот жойлаштирилади?
4. Сайтни нима учун яратилмоқда?
5. Сайт ким(лар) учун қизиқарли бўлади?
6. Сайтга ахборот қанчалик тез-тез жойлаштирилади ва янгиланади?

Сайтнинг кўриниши қанақа бўлиши унга жалб қилиниши мўлжалланган жамоатга боғлиқ. Агар улар 25 ёшгача бўлса, ёрқин ранглар ва чиройли графика уларнинг эътиборини тортади. Фактлардан иборат ахборотли жиддий лойиҳалар батамом бошқача кўринишда бўлади. Улар, одатда, рангдорлик, дизайн, график ечимларга нисбатан бир мунча консерватив бўлади. Бундай лойиҳалар учун ахборотни сўнгги фойдаланувчиларгача етказиш биринчи ўринда туради.

Сайтдаги рубрикалар ва ахборот тоифаси аҳамиятга эга бўлади. Масалан, сайт лойиҳаси ахборот технологиялари, веб-технологиялар, интернет технологиялар соҳасидаги воқеалар обзорига бағишланган бўлади, шунинг учун сайтнинг асосий рубрикалари **компьютерлар ҳақида ахборотлар, веб-дизайн янгиликлари ва интернет-технологиялар янгиликлари** бўлади.

Бунинг натижасида сайтнинг рубрикалари тизимини ишлаб чиқилди. Сайт рубрикалари номини устунча кўринишида ёзиб қўйилади. Энди қандай кичик рубрикалар бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўриш керак. Масалан, **Компьютерлар ҳақида ахборотлар** бўлимида **Windows, Linux** ва **Mac** ёки **Дастурий таъминот** ва **Компьютер темири** кичик рубрикалари бўлиши мумкин. Бунда рубрикаларда исталганча кўп кичик рубрикалар (ичига қўйилган, шуъба кичик рубрикалари) яратиш мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Лекин бошланишида бу билан кўп шуғулланиш шарт эмас.

Веб-сайтни ушбу соҳада долзарб ва замонавий ахборотга эга бўлиб, сайтга кирувчилар унга қизиқишини, бундан ташқари, фойдаланувчиларнинг фикрларини билишни ҳисобга олиб яратилган бўлиши мумкин. Сайтни вақти-вақти билан тўлдириб, кенгайтириб борилади.

Масалан, сайтга кирувчилар учун янги постларни эълон қилиш вақти аҳамиятли бўлса, унинг жадвалини тузиб, унга мувофиқ ишлаш ёки ахборотнинг ўзи аҳамиятли бўлса, рубрикага боғлиқ ҳолда эълон қилиш тизимини ташкил қилиш мумкин.

Иловаларнинг ён панелида сайтнинг кўп рубрикалари ва бўлгуси постларни ташкил қилинади.

Сайтдаги ва ён панелдаги ахборотлар санаси, тоифаси ёки постлар эълон қилинган вақтни акс эттирувчи кўриниб турадиган календарь (у кўринмайдиган Default Theme мавзусида ўчирилган, Classic Theme мавзусида эса, ёқилган бўлади) бўйича гуруҳлаштирилиши мумкин.

Сайтдаги ахборотни санаси ёки рубрикалар бўйича ёки ҳар иккала усулда ташкил қилишни танлашда фойдаланувчилар учун зарур ахборотни топишлари осон бўлишини ҳисобга олиш лозим.

Контент

Фойдаланувчи сайтда қандай ахборотни кўришни истагини билишга интилан ҳолда айнан нимани эълон қилишни ҳал этиб борилади.

WordPress v1.5 версиясидан бошлаб тизимда ахборотни эълон қилишнинг янги усули – Саҳифалар пайдо бўлди. У сайтда ахборотни жойлаштиришни бир мунча осонлаштиради. Саҳифалар Постларнинг аналоглари ҳисобланиб, фарқи шундаки, Саҳифаларда, одатда, ахборотни кам ўзгартирилади ва коррективка қилинади. Шунга кўра Саҳифаларда сайтнинг Компания тўғрисидаги, Алоқа ахборотлари, Етказиб бериладиган янгиликларга обуна каби, шунингдек исталган статик (ўзгартирилмайдиган) ахборотни жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Янги Саҳифаларни яратишдан олдин уларнинг ҳар бирида нималарни жойлаштиришни аниқ белгилаб олиш керак.

Шарҳлар

WordPress тизимида сайт фойдаланувчилари томонидан шарҳлар эълон қилиш функцияси мавжуд. Бунда сайт муаллифининг фойдаланувчилар билан мулоқоти жараёни яратилади. Шарҳлар тизими турли форумларда фойдаланувчилар орасида жонли ва қизиқарли мулоқот ҳосил қилиш учун кенг тарқалган.

Муаллиф бу шарҳлардан ўзи эълон қилганларга қўшимча сифатида фойдаланиши мумкин. Бу функцияга, шарҳларнинг вазифасидан ташқари, тегишлича эътибор қаратиш лозим. Айрим шарҳларни сайтда акс эттириш учун уни жойлаштириш дизайни масалаларини ҳал қилиш керак. Бунда WordPress тизимида мақолаларни шарҳлаш ва муҳокама қилиш функцияси тўғрисидаги мақолани ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Сайтни созлаш

Сайтнинг ташқи кўринишини ўзгартиришдан олдин Админпанелда айрим ўзгаришлар қилиш керак. Сайтда ишлашдан олдин Кодекс ва Форум бўйича техник қўллаб-қувватлаш учун Излаш (Поиск) плагинини ўрнатиш зарур. Бу плагин сайтнинг Админпанелидан чиқмисдан туриб WordPress Кодексининг ўзида ҳамда WordPress нинг техник қўллаб-қувватлаш Форумида техник саволларга жавоблар топишга ёрдам беради.

Бунинг учун махсус шаклда сўровни киритиб “излаш”ни босилади. Излаш натижаси бўйича WordPress даги керакли мавзуга тегишли саҳифага йўналиш берилади. Бу плагин ахборотни қидиришга энг кам вақт сарфлаган ҳолда WordPress билан янада батафсилроқ танишишга имкон беради.

Худди шундай тартибда ушбу Кодексда сичконча ёрдамида керакли бўлимлар бўйича ишлаш ва ахборотни излаш мумкин.

Рубрикалар яратиш

Бошланишда сайтда асосий тоифалар (рубрикалар) яратилади.

Сайт рубрикалари (тоифаларини) яратиш.

Админпанелнинг Бошқариш> Ёзувлар> Рубрикалар бўлимида сайтнинг янгидан яратилаётган рубрикаси учун барча зарур жойларни ёзиб тўлдириб, “Янги рубрика қўшилсин” кнопкасини босилади.

Худди шундай тартибда яратиб бўлинган бўлимларда кичик рубрикаларни улар айнан қайси рубрикада яратилиши лозимлигини “Оталиқ” (“Родительская”) рўйхатидан танлаган ҳолда яратиш мумкин.

Сайтга янги рубрикаларни исталган вақтда қўшиш мумкин. Бунда WordPress тизими яратилган рубрикаларни автоматик равишда иккита усул билан: номи бўйича (алфавит тартибида) ва ID номери бўйича хилларга ажратади. Яратилган рубрикаларнинг ҳар бирига ўз ID номери белгиланади. Агар WordPress бўлимларни алфавит тартибида жойлаштиришини исталмаган ҳолда рубриканинг Админпанелдаги номерини кўрсатилади ва WordPress рубрикаларни кўрсатилган номерга боғлиқ ҳолда жойлаштиради.

WordPress Admin Manage Categories

Фақат асосий рубрикалар яратиб бўлингандан кейин уларда кичик рубрикаларни яратиш мумкин. Янги рубрикани қўшиш учун ўша янги рубрикани яратаётганда чиққан рўйхатда оталиқ рубрикани танланади ва у автоматик равишда яратилаётган рубрика шуъба рубрикаси эканлигини кўрсатади. Бу ишлар тўғри бажарилганда, тегишли ўзгаришлардан кейин

Админпанелнинг Бошқариш> Ёзувлар> Рубрикалар бўлимида яратилган рубрикаларнинг рўйхати қуйидаги кўринишда намоён бўлади:

Компьютерлар тўғрисида ахборот

-Windows

-Linux

-Mac

Интернет янгиликлар

Web-дизайн янгиликлари

-Web соҳасидаги янгиликлар

-WordPress

--Плагинлар

--Мавзулар

Сайт рубрикаларига постлар қўшиш

Сайтнинг янги яратилган рубрикаларига бир нечта постлар қўшганда уларнинг қандай ишлашини кўриб чиқамиз.

WordPress Admin Manage Posts

Админпанелнинг Бошқариш> Ёзувлар> Рубрикалар бўлимига кирилади ва “Постлар” иловасини босилади. Бу бўлимда илгари яратилган постлар рўйхати кўринади. Ўнгда учта: Кўриш-Тузатиш-Чиқариш кнопкалари бор. Илгари яратилган постни ўзгартириш учун Тузатиш кнопкасини босилади. Дарчанинг ўнг қисмида “Тоифалар” кўринади. Улардан бирини керакли постни сайтнинг керакли бўлимига ўтказиш учун танланади. Саҳифанинг пастига сичқонча ғилдиракчасини айлантириб тушиб “Сохранить” кнопкасини босилади. Шу жараёни бошқа постлар учун ҳам такрорланади, фақат уларни сайтнинг бошқа бўлимларига жойлаштирилади.

Энди Админпанелнинг юқорисидаги **View Site** ни босиб саҳифани кўриб чиқилади. Тоифалар рўйхати устунча кўринишида бўлади. Агар қидирилган тоифа топилмаса, бу одатда, ўша тоифада ёзувлар йўқлигини билдиради. Бу WordPress нинг кўринмайдиган функциясига киради. Ўша тоифага ёзув қўшилгандан кейин у веб-саҳифада пайдо бўлади. Тоифани

босиб, танланган тоифа саҳифасини очилади. Шу танланган тоифага кирувчи ёзувлар кўринади.

Мавзулар

Энди сайтни таҳрир қилишга киришиш мумкин. Уни исталганча амалга ошириш мумкин. Қўлланмани маълум тартибда ўқиб чиқишни талаб қилмайдиган бир нечта мустақил қисмларга бўлинади. Кейин исталганча ўзгаришларни киритиш мумкин. Бунда WordPress учун олдиндан ўрнатилган иккита стандарт мавзулар билан ишлаш ёки эҳтиёжларга яхшироқ жавоб берадиган бошқа мавзунини қидириб кўриш мумкин. Сайтнинг унинг конструкциясини тўлиқ қайта қуришга ўзгартириш мумкин.

WordPress учун мавзуларни излаш.

Эҳтиёжларга яхшироқ жавоб берадиган мавзунини танланади.

Ташқи кўринишни сошлаш

Код билан ишлашга тайёр бўлинганда сайтнинг ташқи кўринишини ва макетини CSS ва мавзуларни таҳрир қилиш ёрдамида сошлаш (ёки ўз мавзусини яратиш) мумкин.

Сайтнинг плагинлар ёрдамида яхшиланади.

Плагинлар сайтга функционаллик ва баъзан қизиқарлиликни қўшади. Иловаларнинг ён панелга қўшишдан бошлаб об-ҳаво маълумотини қўшишга юзлаб ҳар турли плагинлар мавжуд.

WordPress учун мавзулар

WordPress учун танлаш мумкин бўлган юзлаб мавзулар мавжуд. Уларнинг ҳаммаси бир хил вазифани бажаради, лекин ташқи кўриниш бўйича ахборотни кўплаб усулларда тақдим қилади. Ҳар бир элементларнинг мавзу қандай ишлаётганини кўриш учун сайтнинг ҳаммасини, тоифалар ва архивларни, алоҳида постларни кўриб чиқилади. Бош саҳифада дизайн яхши бўлиши мумкин, лекин алоҳида постнинг элементларини мавзу маълум даражада ишламаётган бўлса, дастлабки кодга кириб, ўзгаришлар қилишга тўғри келади. Агар бунга тайёр бўлмаган ҳолда бошқа мавзудан фойдаланишга уриниб кўрилади.

Муаммолар келиб чиққанда Codex да Носозликларни Бартараф қилиш мақоласига мурожаат қилиш керак.

Ташқи кўринишни созлаш

Агар CSS, HTML ва ҳатто PHP ва MySQL билан таниш бўлганда мавзуларни эҳтиёжга кўра созлашни кўриб чиқамиз. Бу ишлар тажриба ва билимни талаб этади. Веб-саҳифа дизайнини яхшилаш ва ишлаб чиқувчи кўникмаларини ошириш учун WordPress қуйидагича ёрдам беради:

Мавзулардан фойдаланиш

Мавзуларни ишлаб чиқиш

Шаблонлар асослари

Шаблонлар файллари

Блогни ишлаб чиқиш ва режалаштириш

CSS обзори, Маслаҳатлар, Усуллар ва Материаллар

WordPress ни Чаво-Режалаштириш

Шаблонлар Тегларига кириш

Шаблонлар Теглари

CSS билан муаммоларни бартараф қилиш

CSS ли браузерлар хатоларини тўғрилаш

WordPress нинг плагинлари

Плагинлар панели

WordPress нинг плагинлари веб-сайтга функциялар ва воқеаларни кўшувчи дастурий сценарийлар бўлиб, қўшимчалар ёки кенгайтиришлар деган ном билан ҳам маълум. Улар об-ҳаво маълумотини янгилашдан тортиб ёзувлар ва тоифаларни оддий ташкил қилишгача бўлган оралик (диапазон) даги вазифаларни қамраб олади. Плагинлар тегишли муаммоларни ҳал этишдан манфаатдор бўлган кўнгиллилар ва ташаббускорлар томонидан ишлаб чиқилади. Улар, одатда, WordPress нинг Администратор Панели орқали анча осон ўрнатилади. Плагиннинг муаллифи тақдим қилган йўриқномаларга риоя қилинса бас. Плагинлар бепул ва уларни ўрнатиш ихтиёрий. Агар плагиндан фойдаланишда муаммолар келиб чиқса, олдин

плагин муаллифининг сайтыга ёки плагиннинг манбаига кириш, кейин Интернетдан сизга ёрдам бериши мумкин бўлган муайян плагин бўйича ахборотни излаб кўриш. Агар шунда ҳам муаммонинг ечими топилмаса, ёрдам олиш учун WordPress нинг куйидаги форумларига кириш:

WordPress Плагинлари Репозиторийси (WordPress Plugin Repository),

WordPress Плагинлари (Plugins WordPress),

Плагинларни бошқариш,

Плагинлар.

Қўшимча адабиётлар:

WordPress платформасидаги энг диққатга сазовор жиҳати – унда чекловлар энг кам эканлигидир. Минглаб одамлар ўз блогларини юритиш ва сайтларини ишлатиш учун WordPress дан фойдаланадилар. Бу сайтларнинг ҳаммаси ҳар турли ташқи кўринишга ва турли функцияларга эга.

WordPress даги яхши сайтлар (Well-Designed Sites Using WordPress),

Юқоридаги асосларни билиб олгандан кейин эркин ҳаракат қилиш мумкин. Янада кўпроқ ўрганишга ёрдам берувчи айрим мақолалар куйидагилар:

WordPress нинг хусусиятлари (Особенности WordPress),

WordPress билан ишлаш (Работа с WordPress),

Саҳифалардан фойдаланиш (Использование Страниц),

WordPress Цикли тўғрисида тасаввур (Представление о Цикле WordPress),

Носозликларни бартараф қилиш (Устранение неполадок),

Доимий Иловалардан фойдаланиш (Использование Постоянных Ссылок),

Press it - Бир лаҳзада Интернетдан контентни жойлаштириш (Press it – Мгновенное размещение контента из Интернета),

Қўшимча ёрдам:

Codexнинг Бош саҳифаси (Главная Страница Codex),

КСС - кўп сўраладиган саволлар (ЧАВО – часто задаваемые вопросы),

Қўшимча ёрдам (Дополнительная помощь),

Ёрдам Форумидан фойдаланиш (Использование Форума поддержки),

Носозликлар.

